

ТОШКЕНТ

ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСІЙ ГАЗЕТАСИ

№ 66 (10.119)

2004 ЙИЛ 7 АПРЕЛЬ

ПОЙТАХТНИНГ
бир кунни
Янгилликлар, воқеалар

Қишлоқ
саҳифаси

● **ШАХРИМИЗДА** умумий ўрта таълим мактаблари учун мамлакатимиз корхоналарида ишлаб чиқарилган ўқув лаборатория жиҳозлари ва мебеллари кўргазмаси намойиш этилди.

● **МИРЗО** Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетиде ўқитувчилар, талабалар иштирокида ўтказилган илмий-амалий анжуман «Миллий маънавиятни шакллантиришда Абдулла Қодирийнинг ўрни» деб номланди.

● **ТОШКЕНТ** Ислом университетиде исломшунослик масалаларига бағишлаб уюштирилган илмий-амалий анжуманда тадқиқотчилар ва аспирантлар иштирок этишди.

● **ТОШКЕНТ** Давлат тиббиёт-педиатрия институтиде «Огоҳлик даъват» мавзuida тадбир бўлиб ўтди.

● **ИНДОНЕЗИЯНИНГ** Ўзбекистондаги элчихонасида Индонезия парламентига сайловлар ўтказилиши муносабати билан тадбир уюштирилди.

● **СЕРГЕЛИ** туман ҳокимлиги туман товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси билан ҳамкорликда кам таъминланган оилалар фарзандлари, ногирон болалар учун Меҳр ва муруват йилига бағишлаб, хайрия тадбири уюштириди. Унда меҳрга ташна болажонларга ҳомийларнинг эсдалик совгалари туффа этилди.

● **АКМАЛ** Икромов туманидаги «Она ва бола» марказида «Хамшира» кўрик-танлови бўлиб ўтди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги
Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

Туман меҳнат бўлимларининг иш фаолияти маҳаллалар билан ҳамкорликка асосланган.

СУРАТДА:
Чилонзор тумани меҳнат бўлими раҳбари ўринбосари Фозил Маҳмуджонов ва бош мутахассис Раъно Абдувалиева роҳатли иш устида.

Тоҳир
Нигматуллин
олган сурат.



БОЛТИҚ СОҲИЛИДАГИ ИШОНЧЛИ ШЕРИК

Бугун Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг Латвия Республикаси Президенти Вайра Вике-Фрейберг таклифига биноан шу мамлакатта давлат ташири бошланади.

Давлатимиз раҳбари Латвияга иккинчи марта ташири амалга ошираётган бўлсада, Латвия томони унга бу гал ҳам халқаро протокол доирасида кам учрайдиган давлат макомини бермоқда. Дипломатик тажриба бундай ҳолатларни юксак меҳмон ва у раҳбарлик қилаётган давлатта нисбатан алоҳида ҳурмат-эҳтиром далили сифатида таърифлайди.

1992 йилда расмий равишда ўрнатилган Ўзбекистон ва Латвия муносабатлари ўзаро манфаатли ва муттасил ривожланаётган ҳамкорликнинг ёрқин намунасидир. Турли даражадаги доимий сиёсий мулоқотлар, халқаро ташкилотлардаги ишчи муштарак савий-ҳаракатлар икки давлат томонидан салмоқли савдо-иқтисодий ва ижтимоий ҳамкорлик асоси билан қувватланади.

Мамлакатлар ўртасидаги савдо айирбошлаш ҳажми йил сайин ўсмоқда, ўтган йили у 106 миллион доллардан ошди. Ўзбекистон экспортининг асосий қисми Европада Латвия ҳудуди ва денгиз бандаргоҳлари орқали етказилади. Икки юртни ажратиб турувчи бир неча минг километр масофага қарама-қарши, олимларимиз, таълим ва маданият арбобларимиз, спортчиларимиз фаол ҳамкорлик қилишмоқда. Мисол учун «Аъло» ансамбли ўтган йили Юрмалада бўлиб ўтган «Новая волна» халқаро эстрада конкурсиде, Латвия санъаткорлари эса Самарқанддаги «Шарқ тароналари» халқаро фестивалида муваффақиятли иштирок этишди.

Яқин кунларда Латвиянинг Европа Иттифоқига аъзо бўлиши кутилмоқда. Бу эса икки мамлакат ўртасидаги савдо ва боғжона тизимини қайта кўриб чиқиш, ўтган йиллар мобайнида вужудга келган шартномавий - ҳуқуқий асосни янги воқеаликлар эътиборига олган ҳолда яратишни талаб этади.

Латвия ўзининг мукамал бандаргоҳ инфра-

тузилмаси ва фаол ҳаракатдаги транспорт-транзит тизими билан маҳсулотларимизни Европа бозорига етказишда салмоқли кўмак бериши мумкин. Таъкидлаш жоизки, бугун Ўзбекистон экспорт юкларининг тўртдан бир қисмига яқини Латвия йўналишида жўнатишмоқда. Ўз навбатида Латвия ҳам Ўзбекистон ва минтақанинг бошқа мамлакатлари бозорларидаги иштирокини кенгайтиришдан манфаатдор.

Бугун Латвия 32 компаниясининг асосий капиталдаги ўзбек сармояларининг ҳажми бир миллион долларга яқин маблағни ташкил қилапти. Ўзбекистонда эса латвиялик сармоядорлар иштирокида 17та корхона фаолият юритапти. Ўтган йили Самарқанд вилоятида юз фоиз Латвия капитали асосида бунёд этилган ва қуруқ мева тайёрлашга ижтисодиёт қилишга «Самрин Трейд» корхонаси фойдаланишга топширилди. «Лайма» қандоқчилик компанияси билан Тошкентда қарам-қарамлик ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ҳақида битми имзоланди. Ҳозир Ўзбекистонда Латвия сармоядорлари ва мутахассислари иштирокида қурилиш материаллари ва фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқаришга йўналтирилган юксак технологияларни яратиш буйича масалалар урганиб чиқилмапти.

Ўзбекистон Президенти сафари доирасида муҳим воқеа бўлиб ўтиши кутилмоқда. Латвия пойтахтининг марказида буюк ўзбек мутафаккири ва давлат арбоби Мирзо Улугбек ҳайкалининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтади. Бу атоқли бобоқалонимизнинг жаҳон илм-фанига қўшган ҳиссасига ҳурмат белгиси ва латвиликларнинг дунё халқлари билан тенг ҳуқуқли ҳамкорлик қилиш ва мулоқотда бўлишга интилишдан далолат беради.

Олег ШАТУНОВСКИЙ,
«Жаҳон» АА.

ХУИ саҳоси
Барча маъналардан
олинган сўнги хабарлар

Мамлакатимизда

● Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Алоқа ва ахборот-коммуникация технологиялари масалалари комплексининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда 2004 йилнинг биринчи чорагида тармоқни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари муҳокама этилди.

● Кеча Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлигида «Чорва моллари ва паррандаларни озиклантиришдаги долзарб муаммолар» мавзусида семинар бўлиб ўтди.

● «Учкўргонёғ» очиқ акциядорлик жамияти «Меҳр ва муруват йили» дастури доирасида Учкўргон шаҳридаги 42-ўрта умумтаълим мактаби ўқувчилари учун қиймати 4 миллион сўм ҳажмидаги спорт анжумлари ва жиҳозларини олиб берди.

● Республика мол хом ашё биржасининг Қашқадарё вилоят бўлими ташаббуси билан Қарши шаҳрида озик-овқат маҳсулотлари савдо ярмаркаси ташкил этилди. Унда июлятадаги «Нур», «Қаршинон», «Дунё-М» каби кўплаб корхоналарнинг маҳсулотлари намойиш этилди.

● Акциядорлик-тижорат «Алоқа банки»нинг Иштихон туманидаги мини банки ишга тушганлиги сабабли мижозлар сони кўпайди. Банк томонидан жорий йилда қишлоқ аёлларининг соғлигини мустаҳкамлаш учун Гинекология хусусий шифохонаси қурилишига кредит ажратиш кўзда тутилган.

Жаҳонда

● Шри-Ланкада бўлиб ўтган парламент сайловларида мамлакат Президенти Чандрика Кумаратунга бошчилигидаги «Озодлик йўлида» сиёсий блок галаба қозонди.

● Президент автокортежи Назрандан Магасга кетаётганда Ингушетия Республикаси Президенти Мурот Зиязикаева суиқасд уюштирилди. Натижада Президент энгил яраланди, унинг кўриқчиларидан олти нафари эса турли даражадаги тан жароҳатлари олди.

● Испания маҳсус кучлари томонидан ўтказилган операциялар натижасида Мадридадаги 190 кишининг умрига зомин бўлган портлашни уюштирган террорчи — Тунис фуқароси Сахан бин Абдулмуҳид ҳалок бўлди. Бу ҳақда Испания ички ишлар вазيري Анхел Асебес маълум қилди.

ЎЗ УЙИМИЗНИ ЎЗИМИЗ АСРАЙЛИК

Тинчлик—энг улуғ неъмат

Тинчлик ва осойишталикнинг қадрини янада теранроқ англаган ҳамшаҳарларимиз айни вақтда огоҳлик ва ҳушёрликни кўлдан бермаган ҳолда иш ва ўқиш жойларида ўз фаолиятларини давом эттирмоқдалар. Тинчлигимизни, осуда ҳаётимизни асраш юзасидан корхона, ташкилот ва ўқув юрларида учрашувлар бўлиб ўтмоқда.

Шайхонтоҳур туманидаги «Янги Камолон» маҳалласида бўлиб ўтган, туман ҳокимлиги вакиллари, маҳалла фаоллари, профилактика инспекторлари ва кўча бошлиқлари иштирок этган учрашув ҳам ҳамиша огоҳ ва сезгир, ҳушёр бўлиш кераклиги мавзусига бағишланди.

Тадбирда сўз олган «Янги Камолон» маҳалласи оксоқоли Қаҳор Содиков, профилактика инспектори, катта лейтенант Еркин Рўзметов ва бошқалар ўз уйимизни ўзимиз асрашимиз

лозимлиги, маҳаллада бўлаётган барча воқеа-ҳодисалардан вақтида огоҳ бўлиш ҳақида алоҳида тўхталиб, бир-бирларини кўлаб-қувватлаб, ҳамжихатликда иш олиб борилса, ҳеч қандай куч осойишталигимизда даҳл қила олмаслигига эътибор қаратдилар.

Ўзбекистон Республикаси «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгашида ҳам «Ўз уйингни, ўзинг асра» мавзусидаги

йигилиш бўлиб ўтди.

Йигилишда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши раиси Ботир Убайдуллаев ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши раиси Фурқат Маҳмуджўраевлар сўзга чиқиб, тинчлигимизни, мустақиллигимизни кўрөлмаётган бир гуруҳ манфур кимсаларнинг қилмишлари наинки бизнинг, балки бутун дунё ёшларининг қаҳр-ғазабини уйғотгани ҳақида, эртанги кунимиз, овоз ва обод Ватанимизни кўриқлайдиган марду майдонлари, ўз халқини, оиласини ҳўйма қила олишга қодир ўғил-қизлари борлигини таъкидлаб, ёшларимизни ҳар қандай вазиятда огоҳ ва сезгир бўлишга чақирдилар.

Иқтисодий

ЗАМОНАВИЙ КИЙИМЛАР

Бозорларимизни кўздан кечириб эканмиз, харид қилиш мобайнида маҳсулотнинг ички қисмидаги ёрликларга алоҳида эътибор берамиз. Айниқса, кийим-бош сотиб олаётганда унинг қайси давлатда ишлаб чиқарилгани кўпчилик учун қизиқ, албатта. Ҳозирда чет элда тайёрланган кийим-бошдан асло фарқ қилмайдиган ўзимизнинг тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқарилаётган устки кийимларнинг харидорчилиги ортиб бормоқда. Туркида, ҳам арзон, ҳам сифатли ва Европа услубини ўзида мужассамлаштирган кийимлар кимга ёқмайди дейсиз.

Шаҳримизда фаолият юритаётган «Иготекс» масъулияти чекланган жамияти айни пайтда кўпчилик дидига мос жажон андозаларидаги кийим-бошлар ишлаб чиқараётган корхоналардандир.

— Ҳозирда корхонамизда 62 хилдаги устки кийимлар тайёрланмоқда, — дейди жумладан жамоа раҳбари Шавкат Жалилов. — Асосан 2003 йил май ойида иш бошлаган эдик. Бу йил ўтказилган «Ташаббус-2004» да маҳсулотларимиз билан қатнашиб, Чилонзор тумани корхоналари орасида 2-ўринни эгалладик. Бу эса қандаш ташкил толган корхонамиз учун қатта муваффақият деб ўйлайман.

Ҳозирда корхона Япониянинг «Brothers» компаниясидан келтирилган тикув машиналари билан таъминланган бўлиб, жамоа ходимлари бир йилда 140 миллион сўмлик устки кийим-бошлар тикиб тайёрлашмоқда. Шунингдек, яқинда ташкил толган жамиятнинг Акмал Икромов, Собир Раҳимов, Чилонзор туманларида филиаллари очилган бўлиб, шу ҳудудда яшовчи жами 80 нафарга яқин одамлар иш билан таъминланди.

ЧЕТ ЭЛ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ АСОСИДА

Агар ҳар бир киши мунтазам равишда жисмоний тарбия билан шуғулланса, албатта бу унинг соғлиги учун фойдали. Соғлом одамнинг эса барча касалликларга қарши тана ҳимояси кучли бўлади. Агарда организмда касалликларга қарши иммунитет пасайиб борса, унга энди дори-дармонлар зарур бўлади.

«Жўрабек-лабораториес ЛТД» ўзбек-араб қўшма корхонаси ҳозирда ана шундай касалликларга қарши ва уларнинг олдини олувчи дори-дармонлар ишлаб чиқармоқда. 1998 йилда арабистонлик ҳамкорлар билан ташкил этилган корхона ҳар икки томоннинг 50 фоизлик сармояси асосида ишлаб чиқаришни йўлга қўйган эди. Ҳозирда бу кўрсаткич ўзбекистонлик сармоядорлар ҳисобига яна 20 фоиз қўшилди. Ҳиндистон технологиялари билан жиҳозланган корхонада айни пайтда 5 турдаги аломаг — ошқозон касалликлари учун, анапирин — оғриқни қолдирувчи, ампицилин, грасептол каби антибиотиклар ҳамда суртма дорилар ишлаб чиқарилмоқда.

Шунингдек, корхонада янги цех ишга туширилмоқда. Эндилкида бу цехда Италия ва Франция технологиялари асосида кучли антибиотик дори-лар ишлаб чиқарилади.

Орзугул РУСТАМОВА

Ҳамкорлик ришталари

САРМОЯЛАР ҲАЖМИ КЕНГАЙМОҚДА

Бугунги кунда Ўзбекистон дунёнинг 120 дан зиёд мамлакатлари билан ташқи иқтисодий фаолият ришталарини ўрнатган. Болтиқбўйи, Прибалтика минтақаси давлатлари орасида Латвия Республикаси билан ҳамкорлик муносабатлари ҳам муваффақиятли кечаётганини таъкидлаш мумкин.

Ўзбекистон бозорида Латвиянинг «Балдерайя» акциядорлик компанияси яхши танилган. Бунга ўзбекистонлик ишбилармонлар билан ҳамкорликда ташкил этилган иккита қўшма корхона мисол бўла олади. «Тошкентмебель» ва «Балдерайя» акциядорлик компаниялари таъсисчилигида самарали фаолият юритаётган «Диенвиди» ва «Шарқ Райтуми» қўшма корхоналари турли мебель жиҳозларини ишлаб чиқаришга йўналтирилган ва кейинги пайтда тайёрланаётган маҳсулотлар ҳажми 210 миллион сўмга етди. Дарвоқе, «Диенвиди» мамлакатимизнинг шу соҳасига биринчилардан бўлиб салмоқли ҳисса қўшган корхонадир.

Латвиянинг «Бал Тикумслизинг» компанияси технологияси асосида фаолият юритиб келаётган «Рута-Прайнт» қўшма корхонаси ҳам ички бозоримизда ўзининг ноширлик маҳсулотлари билан яхши танилган. Ҳозирда «Рута-Прайнт» томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 415 миллион сўмга тенгдир.

Умуман оладиган бўлсак, бугунги кунда фақат пойтахтимизда латвиялик сармоядорлар иштирокида 26 та корхона фаолият юритмоқда, шу жумладан етти таси тўлиқ хорижий инвестициялар ҳисобига тузилган. Ўтган йилнинг якунига қадар мамлакатимиз

пойтахти ва Латвия ўртасидаги ташқи савдо айланмаси 22 миллион АҚШ долларини ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич олдинги йилга нисбатан 1,6 баробар ошганлигини таъкидлаш жоиз. Шунингдек, ўрта ҳисобда тўққиз баробарга экспорт ҳажми юқорилагани кузатилмоқда. Хусусан, жорий йилнинг икки ойи да-



вомида Латвия Республикасига 230 минг АҚШ долларига тенг машина, асбоб-ускуналар, тури хизматлар экспорт қилинган. Болтиқбўйи мамлакатидан Ўзбекистонга эса асосан ёғоч хом ашёси ва унинг таркибий маҳсулотлари, шунингдек, центрифуга, қуригич, филтраш асбоб-ускуналари келтирилади.

Ватан ҳимояси — муқаддас бурч

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Муддатли ҳарбий, муқобил хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқароларни бўшатиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Куроли Кучларига навбатдаги чақирув тўғрисида»ги қарори чиққан кундан бошлаб ҳамшаҳарларимиз таҳририятимизга қўнғироқ қилиб, мактуб йўллаб ўз муносабатларини билдиришмоқда. Демак, бу қарор ҳеч қилим безътибор, бепарқ қолдирмаган. Қуйида айрим ҳамшаҳарларимизнинг фикрларини эътиборингизга ҳавола этамиз.

Муносабат

Кўнгилда ҒУРУР УЙҒОТАДИ

Комилжон ҚАЮМОВ, «Кичик Дўмбробод» маҳалласи фуқаролар йиғини раиси:

— Қарорни ўқиб чиқиб тўғриси, жуда руҳланди кетдим. Демак хизматга оланган йиғитларни тантанали кузатиш баробарида хизматни аъло даражада бажариб, ёруғ юз билан ота-онаси бағрига қайтаётган ўғлонларимизни ҳам муносиб кутиб олишимиз лозим экан. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорида шундай сатрлар бор: «Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, маҳалла қўмиталари жамоат ташкилотлари билан биргаликда муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатини ўтаган фуқароларни тантанали кутиб олиш ташкил этилишини таъминласинлар». Демак бу ишга ниҳоятда жиддийлик билан ёндашишимиз керак.

Айни кунларда биз маҳалла фаоллари маҳалладаги хизматдан қайтадиган йиғитларни кутиб олиш тайёргарлигини кўрмоқдамиз. Тадбиримизни катта байрам тарзида нишонламоқчимиз, унда ўқувчилар, санъаткорлар, ота-оналар иштирок этади. Қувноқ қуй-қўшиқ-

лар, юракдан айтилган дил сўзлари эса барчага маъқул бўлади деб ўйлайман.


Оҳиста АЛИМОВА, Чилонзор туманидаги 138-мактаб директори:

— Мактабимизда таълим олган, юрт посбони бўлишдек муқаддас бурчини ўтаб қайтаётган йиғитларимизни муносиб кутиб олиб, учрашувлар ташкил этишни режалаштирганмиз. Бундай учрашувлар ишонаманки вояга етаётган, Ватан ҳимояси бўлишдек шараф олдига турган ҳар бир ўсмир учун катта аҳамиятга эга бўлади.

Комил БЕРДИЕВ, оддий аскар:

— Қарорни ўқиб сафдош дўстларим билан жуда қувониб кетдик. Ахир Ватан олдидаги фарзандлик бурчимиз шундай қадрланса, эъзоз топса қувонмай бўладими. Ҳаммадан ҳам ўқинишга, илм олишга киришни учун имкониятларимиз янада кенгайгани эътиборга лойиқдир. Қўмондонлик бизнинг аъло ва яхши хизматимизни ҳисобга олиб ўқинишга кириш учун тавсиянома берса, бу ота-онамиз олдига фахрқ. Бундай имкониятни армия хизмати бериши эса кўнгилда ғурур уйғотади.

Шоира МУҲАМЕДОВА ёзиб олди



Латвиялик ҳамкорлар инвестициялари асосида пойтахтимизда фаолият юритаётган корхона ва ташкилотлар ишлаб чиқаришдан ташқари, молия-кредит, алоқа, аудит, дастурли таъминлаш каби хизматларни кенг жорий этиб келмоқда ва айни пайтда ўз тасарруфида 200 дан зиёд малакали мутахассисларни иш билан банд қилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Ташқи Иқтисодий алоқалар агентлиги Тошкент шаҳар бошқармаси маълумотига кўра, бугунги кунда ўзбекистонлик ишбилармонлар ҳам Латвия бозорида муносиб ўрин эгаллаган. Хусусан, ҳамкор давлатда учта Ўзбекистон-Латвия ишлаб чиқариш корхонаси фаолият юритмоқда.

Албатта, юқоридаги кўрсаткичлар балки унчалик қониқарли кўринмас. Бироқ, шубҳасиз, давлатимиз раҳбарининг ушбу дўстона мамлакатга қилаётган расмий ташрифи натижадан ўлароқ икки давлат ўртасидаги ҳамкорлик ришталари янада ривожланиб, мустақамланиб боришига эъмин яратилади.

Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА СУРАТЛАРДА: «Диенвиди» Ўзбекистон-Латвия қўшма корхонаси томонидан ишлаб чиқарилаётган мебельлар.

ТИББИЙ КОМИССИЯ ИШ БОШЛАДИ

Ўзбекистон Республикасининг «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги қонунига мувофиқ ҳар йили баҳор ва кўзда она-Ватан ҳимоясига шай ўғлонлар муддатли ҳарбий хизматга чақирилади.

Йилнинг апрель-май ва октябрь-ноябрь ойларида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг мудофаа ишлар бошқармалари ва барча шаҳар, туман чақирув пунктларида иш кўпаяди. Комиссия аъзолари чақирилувчиларнинг оилавий шароити, жисмоний ва маънавий тайёргарлигини синчиқлаб ўрганади.

Айни пайтда ҳарбий либос кийишга ошиқайётган бўлғуси Ватан ҳимоячиларини энг замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан таъминланган малакали шифокорлар тиббий кўрикдан ўтказмоқда.

Бектемир туманида Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазирлиги ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳомийлигида ана шундай чақирув тиббий комиссия пункти қад ростлади.

— Ўтган йилларда чақирилувчилар беш километр наридаги туман марказий поликлиникасида кўриқдан ўтарди, — дейди туман мудофаа ишлар бўлими бошлиғи, майор Савриддин Шарипов. — Давлатимизнинг чақирув комиссиялар фаолиятини яхшилашга қаратилган эътибори боис мушкулларимиз осонлашди. Янги пунктда барча шароит мухайё этилган.

Ҳолмурод САЛИМОВ, ЎЗА муҳбири

Саҳна

**КИЗИҚАРЛИ
САҲНАВИЙ
ТАЛКИНДА**

Шаҳримизда фаолият кўрсатаётган «Аладдин» театри томонидан постановка қилинаётган спектакллар жанри ва саҳнавий талқини билан ҳам томошабинларга манзур бўлмоқда. Яқинда саҳна юзини кўрган «Миллионлар сиз учун» деб номланган постановка эса рақсларга бой.

Ушбу мусикали комедияда испанча, ҳиндча каби қатор миллий рақс саҳналари ҳам томошабинда завқ-шавқ уйғотади. Танланган мусикалар ижроси ҳам асар мавзусига ҳамоханг.

Шу кунларда театр яна бир постановка устида иш олиб бормоқда. «Резина сотувчиси» деб аталган бу спектакль фожиа-комедия жанрида кўрсатилади.

«Аладдин»чиларнинг бошқа янги саҳна асарларида ҳам кизиқарли режиссерлик маҳоратлари ишга солинади.

РАНГЛИ АЛЬБОМ

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат академик катта опера ва балет театри мамлакатимиздаги йирик санъат кошоналардан бири сифатида эътибор қозонган. Бу ижод ва нафосат даргоҳининг бунёд этилиши республикамиз маданий ҳаётида муҳим воқеа бўлган эди.

Бугунги кунда унинг репертуарида кўпгина спектакллар бор. Уларнинг ҳар бири томошабинлар эътиборини тортиб, энг яхши постановкаларга айланган. Саҳна юзини кўрган опера ва балет асарларининг бир нечаси театрининг чет эл гастролларида муваффақиятли кўрсатилди. Ана шу сеvimли театр ҳақида рангли альбом босмага тайёрланди. Халқ артисткаси Бернора Қориева билан кўзга кўринган меймор, академик Фируз Ашрафийлар муаллифлигида юзага келган бу китоб ўзбек, инглиз ва рус тилларида чиқарилди.

Янги нашр ЮНЕСКО ташкилоти ҳомийлигида санъатсеварларга тақдим этилди. Унда Ўзбекистон Давлат Кино ва Фотожурналлар архивида сақланаётган санъат кошонаси фаолияти ҳақида хикоя қилувчи фотоматериаллар ҳам ёритилади.

**ХАЛҚАРО МУКО-
ФОТ СОҲИБИ**

Фотография санъати халқаро уюшмаси томонидан амалга оширилаётган маданий тадбирларда ўзбекистонлик бадий фото сурат усталари ҳам фаоллик кўрсатмоқдалар. Ўзбекистон Бадий академиясининг Тошкент фотография уйининг ана шу нуфузли ташкилотга аъзо этиб қабул қилиниши ҳам айна мудабо бўлди.

Халқаро уюшма ташаббуси билан ўтказилаётган халқаро ижодий танловнинг навбатдагида республикамиз вакиллари ҳам ўз ижод намуналари билан қатнашдилар. Таниқли мўйикалам устаси Турсунали Қўзиёв томонидан тақдим қилинган бадий сураткашлик асарлари эса бу жиддий ижодий танловда голиб деб топилди.

Италийнинг Милан шаҳрида ташкил этилган бу ижодий беллашув голибларига мукофотлар яқинда тантанали равишда топширилди.

Акбар АЛИЕВ

Тошкент шаҳар ҳокимлиги, шаҳар хотин-қизлар кўмитаси ва «Элнат» нодавлат, нотижорат хотин-қизлар ташкилоти ташаббуси билан Чилонзор туманидаги Педагогика коллежида «Сайловлар жараёнида хотин-қизлар фаоллигини ошириш» мавзусида семинар ташкил этилди.

Семинарлар

**АЁЛЛАР
ФАОЛЛИГИНИ
ОШИРИШ
ЙЎЛИДА**

Икки кун давом этган анжуманда Чилонзор, Акмал Икромов, Сергели туманларидаги этакчи аёллар ва жамоат ташкилотларининг вакиллари иштирок этишди.

Анжуман очилишида сўзга чиққан Чилонзор тумани ҳокими Хусниддин Маҳкамов, Фридрих Эберт номли жамгарманинг Марказий Осиё бўйича ваколатхонаси раҳбари Райнхард Крумм жамият ҳаётида хотин-қизлар роли ошиб боришининг мамлакат тараққиётидаги ўрни, нодавлат, нотижорат ташкилотлари ривожига кўрсатилётган эътибор хусусида тўхталиб ўтишди.

Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар кўмитасининг раиси Фарида Абдураҳимова хотин-қизларнинг давлат

бошқаруви тизимидаги иштироки ва уларнинг жамиятдаги ўрни тўғрисида атрафдаги фикр юритди.

Иштирокчиларни қизиқтирган саволларга жавоблар қайтарилганидан сўнг сайловларни ўтказиш жараёнида сиёсий партияларнинг ўрни ҳамда сайловда дастурини ишлаб чиқишнинг асосий тамойиллари мавзусига ўтиди. Ушбу мавзу юзасидан Миллий тикланиш демократик партияси ёшлар ҳаракатининг этакчиси Жаннат Тошматова, Халқ демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгашининг биринчи котиби Латиф Гуломов, Республика ишбилармонлар ва тadbиркорлар ҳаракати — либерал-демократик партияси Марказий Кенгашининг аъзоси Увайс Шокиров, Адолат социал-де-

мократик партияси Тошкент шаҳар Кенгашининг иккинчи котиби Абдуғофур Умаров, Фидокорлар миллий демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгашининг биринчи котиби Акмал Ақромов батафсил тўхталиб, ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Шундан сўнг ўтказилган тренинглар давомида йирилганлар ўз билимларини оширдилар.

Анжуманнинг иккинчи кунинда ҳам Ўзбекистон сайловларининг ўзига хос хусусиятлари, аёл-депутат, лидерлик фазилатларини шакллантириш йўллари ва услублари йўналишларига эътибор қаратилиб, этакчилар ва жамоат ташкилотларининг вакиллари кўплаб янгилардан воқиф бўлдилар.

(Ўз мухбиримиз)

Ҳамкорлик

**АДАБИЁТЛАР
ДЎСТЛИГИ
ТАРАННУМИ**

Ўзбекистон Миллий университетида чет эл адабиётидан ҳам ўқув машғулотлари ташкил этилмоқда. Бунда олий ўқув юртининг чет эл филологияси факультети томонидан амалга оширилаётган маърифий тадбирлар муҳим ўрин тутмоқда.

Ушбу факультетнинг славян бўлимида украин адабиёти тарихи ўқув машғулотларининг йўлга қўйилиши ҳам айна мудабо бўлди. Мазкур курсда украин адабиётининг улкан номияндалари ижодиёти бўйича диплом ишлари ва рефератлар ёзишга ҳам киришилди.

Украинанинг Ўзбекистондаги элчихонаси ҳамда Украина маданияти маркази ўзбек ва украин адабиётлари ҳамкорлигини янада кенгайтириш мақсадида Тошкентда машҳур шоир Тарас Шевченко ижодида бағишланган адабий кеча ўтказди. Киев шаҳрида ташкил этиладиган бундай маданий тадбирда эса улуг ўзбек шоири Алишер Навоий ижодиёти тараннум этилади.

Анвар АҲАДОВ

Ҳамза тумани халқ таълими бўлими ходимлари кейинги йилларда ўқитувчиларнинг билим ва малакаларини, маданий савияларини ошириш борасида, ота-оналар билан алоқани мустаҳкамлашда ташкилотчилик ва амалий ишлари билан ибратли фаолият кўрсатмоқдалар.

Танловлар

**ИҚТИДОРЛИ
ЎҚИТУВЧИЛАР
БЕЛЛАШДИ**

Яқинда мактаблардаги илгор ўқитувчиларни аниқлаш юзасидан туман халқ таълими бўлими ташкилотчилигида яна бир тадбир — 282-мактабда «Йил ўқитувчиси-2004» кўрик-танловининг туман финал босқичи бўлиб ўтди. Унда маҳалла фаоллари, ота-оналар ҳам иштирок этишди.

Кўрик-танловни қисқача кириш сўзи билан очган туман халқ таълими бўлими мудири Собир Мамадалиев унинг қатнашчиларига

муваффақият тилади.

Сўнг ўқитувчилар икки шарт бўйича ўз билим ва малакаларини намойиш этдилар. Биринчи шарт «Фан» дея номланиб, унда ўқитувчи ўз ҳаёт йўлини шеър орқали таништириб, кўрган пьеса ёки ўқиган асарларидан парчалар келтириб, «Педагогик вазиятдан чиқиш» номли иккинчи шарт бўйича эса синфда ногаҳон юзага



келадиган мураккаб ҳолатдан чиқишнинг оқилона йўлини топиши лозим эди. Танлов сўнггида голиблар аниқланди, 206-мактаб ўқитувчиси Феруза Раҳимжонова 23,8 балл тўплаб биринчи, 61-мактаб ўқитувчиси Викториа Ушакова иккинчи, 244-мактабдан Хуршида Юсуфжонова эса учинчи ўринни эгаллаб, туман халқ таълими ходимлари тармоқ касаба уюшмаси кўмитасининг диплом ва қимматбаҳо совгалари билан тақдирландилар.

Кидирбой Тўлабоев суратларда: кўрик-танловдан лавҳалар.

Владимир Гранкин олган суратлар.

**КУТУБХОНА ТАРИХИ
МУЗЕЙИ**

«Турон» кутубхонасини кўпчилик яхши билади. Шаҳримизда фаолият кўрсатаётган бу зиё маскани адабиётларга бой.


Унинг архивида 400 мингга яқин турли тарихий ҳужжат ва адабиётлар сақланади. 1913-1918 йилларда чиққан газета ва журналлар сонлари билан ҳам шу ерда танишиш мумкин.

Бундан 90 йил аввал ташкил топган бу кутубхона маърифатпарвар адиблар учун ҳам сеvimли зиё маскани бўлган эди. Бугунги кунда ҳам кўплаб таниқли адиблар, зиёлиларни унинг қироатхоналарида учратиш мумкин.

Ҳуқуқий адабиётлар бурчаги, «Еш қаламкашлар» клуби хизматидан ҳам кўпчилик фойдаланмоқда. Бу ва шунга ўхшаш ибратли ишлар бўйича алоҳида экспонатлар тўпланди. «Турон» кутубхонаси тарихи музейи учун улар асос бўлиб хизмат қилади.

Дарвоқе, ҳозир кутубхона музейини ташкил этишга тайёргарлик бошланиб кетди. Бу музей кўплаб экспонатларни ўз ичига олади.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ



Рассом бўлиш осонмас...

Мўқимлаган ҳикоялар

ОНА БЕТОБМИ ЁКИ ЎФИЛ?

Ҳамро холининг ёши 74 да бўлишига қарамай, бардам, тетик юрди. Нима ҳам бўлдию, касалга чалинди. Қарилик-да. Беш кун бўлдики, иситмаси тушмайди. Доктор укол қилади. Нафи икки-уч соатга етади. Йўталади, алаҳсирайди.

Холанинг фарзандларини қақиршиди. Хатто, Сирдарёга келин бўлган кизи Санобар ҳам эри, бола-чақалари билан етиб келди. Холанинг тўнғичи Рустамни айтмайсизми, у ҳам она қошида. Аммо. Ҳамма гап ана шу «аммо»да. Рустамжон ҳозир кўтарилиб кетган, катта идорага раҳбар. Келди-ю, қайтага кўпчилиكنинг тинчи бузилди. Рустамнинг келганини эшитиб кўни-кўшнилари, маҳалладошлар, ҳатто кўшни тумандагилар меҳмонга ёпирилиб кела бошлашди. Ҳар куни зиёфат. Ховли тўла одам. Меҳмоннавозлик авжида. Уйдагиларнинг учтаси Ҳамро хола билан овора бўлса, қолган етти-саккиз нафари Рустамнинг меҳмонларини кутуш билан овора. Шурки, кунлар ўтиши билан Ҳамро хола соғаяверди. Рустамнинг базми-жамшидлари авжланаверди. Гоҳи у кеч келади. Кўп ичган... Ҳаммадан ҳам Ҳамро холининг чоли Аҳмаджон отанинг хуноби ошди. «Бу нимаси. Онаси бетобми ёки Рустам? Турган-битгани дардисар бўлдику бунинг!». Ҳаммасидан ҳам ҳар куни кимдир Рустамнинг ҳар хил юмушларини худди хизматкор каби бажариб беришини Аҳмаджон ота ҳазм қилолмади. Хола соғайиб, ховлида юра бошлаган куниёқ Рустамни ҳайдаб солди.

Абзал ЖҰРАЕВ

САБРНИНГ ТАГИ ОЛТИН

Ҳаёт экан, Феруза опага Худо Садриддин акани кўп кўрди, у оғир хасталикдан сўнг вафот этди. Опа аввалига анча эзилди, йиғлади. Ахир тўрт қиз, икки ўғил боқувчисиз қолди-да. Аммо тақдирга тан бермай илож ҳам йўқ. Опа руҳан тушмади, ўзини меҳнатга урди. Болаларининг отасизлигини билдирмай, оқ ювиб, оқ таради. Ҳитди, касбга ўргатди, уйли-жойли қилди. «Сабрнинг таги олтин» деб бежиз айтишмас экан, ўғилларнинг каттаси Сарваржон муҳандис, кичиги Анваржон кўли енгил, малакали шифокор сифатида ҳозирда эл-юрт хизматида. Онанинг ўзлари ҳам 60 ёшга яқинлашган бўлишларига қарамай, ҳали тетик, бардам. Ногирон болаларга касб ўргатиш, уларга билим беришини ўз олдига мақсад қилган но-

давлат, нотижорат ташкилотиди маслаҳатчи бўлиб ишлайдилар. «Фарзандларим камолини кўрганимдан, шундай қутлуг кунларга етиб келганимдан хурсандман» дейдилар опа. Ҳа, «меҳнатдан келса бойлик, турмуш бўлар чиройлик» деган гап бежиз айтилмаган.

Раҳматилла ЖАЛИЛОВ

«КАБОБДАН ОЛИНГ, МЕҲМОН»

Махалла гузаридаги аллақайси йиғинда ош, ошпазнинг маҳорати хусусида сўз кетди-ю, кимдир «ошпазлар ҳалол ишламайди. Доим чўмичи мой устида бўлади», деб қолди. «Ишлари оғир бўлмасада доим хўрандалар ҳақиқа хиёнат қилишади» деб гап қўшган Рихситилланинг сўзи оғзида қолди-ю. Абдурахмон аканинг жаҳли чиқиб кетди. Ошпазлик осон касб эмас, ука, — дея сўз бошлади акамиз, — аввал бир ҳафта меҳмон кутиб кўпчилиكنинг оғзига ёқадиган таомни пишириб бергин, қойил қоламан сенга» деди-ю, куйидаги воқеани сўзлаб берди.

— Ҳатти беш йиллар аввал Тошкент туманидаги жамоа хўжалигида ошпазлик қилардим. Раисга меннинг кўли гул пазандалигим ёки қолиб идора меҳмонхонасига ошпаз қилиб олса қувонганимни кўяверасиз. Очиги, ҳар қандай таомни ихлол билан тайёрлардим-да ўзим. Раисимиз меҳмондўст бўлганиданми ҳар куни меҳмоннавозлик билан ўтарди кунимиз. Раис тушмагур «Абдурахмон дарров палов дамла, кабоб ҳозирла, ширингина қилиб шўрва қайнатиб қўй», дейишдан нарига ўтмасди. «Хай инсонлар, буям одам, дам олсин бир-икки кун» дейдиган азаматнинг ўзи йўқ. Ҳаққа боғлаб қўйишганидан, қозоннинг олдида кетолмайман. Ана шундай тунги базмларнинг бирида яхшигина «Ковун туширдим-у» ошпазликдан кутулдим. Сизга ёлғон, Худога чин, тўрт кундан бери ухламаганимданми, «ўлиб қолай» деб турибман. Раис учта меҳмон етаклаб келди. Ҳаммаси фирт маст. Шу пайт кимдир, «кабобни олиб кел ука», деди-ю, шошиб қолганимдан ўнта сикха апил-тапил қийма урдим-у, тарелкага солиб кўранинг устига териш ўрнига дастурхонга қўйибман. Раис газабдан ўзини қаерга қўйишини билмайди. Бошқалар ҳайрон. Бунисиям майли, кайфи ошиб қолган иккита меҳмоннинг хом гўштни чайнаб туриб, «Олинлар, жуда ширин экан» деганини эсласам ҳамон кулгим кистайди. Хуллас шу куни идорада охириги ошпазлик хунаримни ишга солганман-да.

Аъзам ЁДГОРОВ

Мулоҳаза

ИМКОНИЯТЛАРДАН УНУМЛИ ФОЙДАЛАНЯПМИЗМИ?

Интернет тизимининг Ўзбекистонга кириб келганига ҳали унча кўп вақт бўлгани йўқ. Лекин у мана шу қисқа давр ичида ҳаётимизнинг бир бўлагига айланиб улгурди. Замон талаби ҳам шу: бугунги кун киши, яъни «Ахборот ва глобаллашув асри» дея аталаётган XXI аср вакили албатта Интернетдан фойдалана билиши лозим. Бугун мамлакатимизнинг энг чекка жойларида яшайдиганлар ҳам уч-«W» белгиси қандай маънони англатишини яхши билади. Эмиқса, пошти, кўчма, асосан Тошкент ва вилоятлар марказларида кўплаб «Интернет-кафе»ларнинг очилгани, замон билан ҳамнафас бўлишни истовчилар учун хохис хизмат турларини таклиф этаётгани диққатга азовор. Бундан ташқари, албатта, бироқ...


Яқинда бир оғайним белгиланган учрашувга анча кечкиб келди. Сабабини суриштирсам, собик синфдошлари билан «Интернет-кафе»ларнинг бирига киришган экан. Очиғини айтсам, бундан хурсанд бўлдим. Ахир ҳали йигирмага ҳам тўлмаган ўзбек боласи бир неча соат давомида Интернетга ошно бўлса, унинг сир-асрорларини ипидан-игнаси-гача билса фахрланмай бўладими?! — Ҳа, бундан роса мазага қилдик-да, — деди у ўртоғига ўйинчоғини мақтанаятган боладек қувноб. — Кўрмаса киномиз, биз ўйнамаган ўйин қолмади, ҳисоб... — Яна-чи? — сурадим мен қизиқсиниб. — Бир-иккита спорт сайтларини очдик, «zvuki.ru»га кириб, Алсунинг янги қўшиқларини эшитдик... Лекин кинога гап йўқ экан.

— Қанақа кино кўрдигилар? — қизиқишим ортиб сўрадим оғайнимдан. — «Зўр»ларини-да... Ҳа, шунинг учун бордик-ку, Интернетга... Унинг охири сўзлари ҳафсаламни пир қилди. Қаттиқ ўйланиб қолдим. Сарфлаган пули-ю исроф бўлган вақтига ачинадим. Бу ҳақда ўзига ҳам айтганим, беларовигона кўл сиптаб қўйди. — Қизиқмасан... Агар видеобарга борсам, бундан қиммат тушарди... Интернетнинг янги томони — ҳам арзон, ҳам ўзинга ёққан, устига-устак, энг янги фильмларни кўришинг мумкин. Дарҳақиқат, Интернет бугунги кунда нафақат ахборот алмашиш, балки ҳордиқ чиқариш воситасига ҳам айланиб қолди. Аммо ким қанақа ҳордиқ чиқариши кишининг ўзига боғлиқ. Норасмий маълумотларга қараганда, ун беш ёшдан ўттиз беш ёшгача бўлган ёшларнинг аксарияти (аниқроғи, 80 фоизга яқини) «Интернет-кафе»ларга турли-туман беҳаё фильмларни томоша қилиш, эҳтиросни кўзгатувчи ва инти муносабатларга чорловчи махсус сайтлардаги мақолаларни ўқиб учунгина ташриф буроркан. Энг ёмони шундаки, мазкур халқаро тизимда бунақанги сайтлар ёмғирдан кейинги кўзиқориндек «болалаб» кетган. Баъзан қайси бир манзилни терсангиз, сиз битган номга ҳамо-

ханг бошқа бир сайт очилади-ю... Бунданам даҳшатлиси, ҳали балоғат ёшига етмаган болалар улардаги ҳаёсиз расмларни кўриб, бировнинг қўлоғига-да айтиб бўлмайдиган ҳолатлар битилган мақолаларни ўқигач, маънавий кашшоқлик томон юзтубан кетмайдими, деб ким қафлат бера олади? Ахир, ана шу она суги таъми озгидан кетмаган, бироқ компьютерга тикилиб олганча, завқлиб кино кўраётган болакайлар ҳам Ўзбекистонимизнинг эртанги кўни эмасми? Бир неча ой муқаддам хизмат сафари билан чекка бир қишлоққа бордим. Ушанда қишлоқ ешлари «шаҳарлик тенгдошларимизга маза, хоҳласа театрга тушади, хоҳласа кинога боради, кўнгли тусанган пайтда Интернет тизимига кириб, дўст ортиради, дунёдан бохабар бўлади. Қанийди шу Интернет деганлари биз томонларга ҳам тезроқ етиб келса...» дея орзу қилишганди. Бу яхши ниятга мен ҳам тилақдошман. Бироқ барибир юрагимни жавобсиз бир савол ўртаиверади. «Агар Интернет қишлоқ ешларига етиб борса, улар ҳам олтиндан-да қиммат вақтларини беъмаъни нарсаларга сарфлабмасмиклар?» Айтинг-айтинг, бу фикрим хато бўлиб чиқсин-да...

Ҳасан ТОШХҰЖАЕВ, Тошкент Давлат санъат институти талабаси

Хатлар — ҳаёт ойнаси



Бугун яна сиз азиз «оқшомхон»ларнинг эътиборига «Хатлар — ҳаёт ойнаси» саҳифаси материаллари эълон қилинаёттир. Биз тахририят ходимларини шу нарса хурсанд қиладики, саҳифада эълон қилинаётган таҳлилий, танқидий чиқишлар газетхонларни бефарқ қолдирмаяпти. Дарвоқе, турли хил воқеа-ҳодисалар ҳақида газетхонлар томонидан тахририятга йўлланган мактубларнинг мунтазам бериб борилаётгани эса айни мудоао бўляпти. «Хатлар — кўнгил ойнаси» деган гап бежизга айтилмаган. Сабаби саҳифада турли хил воқеаларга билдирилган танқидий муносабат тегишли ташкилот, идораларни ҳам бефарқ қолдирмаяпти. Хуллас, гапирсак гап кўп. Яхшиси, саҳифамиз материалларини мутлола қилинг, бизга ўз фикр-мулоҳазаларингиз битилган мактубларингизни йўлланг, телефон қилинг.

Эслатиб ўтамиз, манзилимиз Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, «Тошкент оқшоми» газетаси. 133-08-74 телефонига сим қоқишни унутманг, азиз газетхон.

Бундай ташвишли, ачинарли ҳолатни шаҳар ичидаги бошқа кўплаб транспорт воситаларида ҳам тез-тез учратиш мумкин. Бу қанақа беъманилик! Наҳотки бундай бебошликнинг танобини тортиш мумкин эмас! Наҳотки, ҳеч ким уларнинг мушугини пишт демайди! Қолаверса, кўпчилик йўловчиларнинг ўзида ҳам айб бор. Улар ўзлари фойдаланаётган транспорт воситасида, кўча-кўйда, жамоат жойларида оддий олоб-ахлоқ, шахсий гитиена ва юриш-туриш қоидалари мезърларига риоя қилмайдилар, дуч келган жойда pista қақиб, папирос, нос чекиб, уларнинг қолдиргани ўша жойга иргитиб, бунинг устига яна туфлаб, бусиз ҳам тобора ифлосланиб бораётган атраф-муҳитга катта зарар етказмоқдалар. Ахир бу жой, бу макон ўзимизники, барчамизники-ку! Уни, бир биримизни ўзимиз асрайлик, азизлар. Бефарқлик, лоқайдлик қачонгача давом этади? Искандар РАҲМОН, Фўқаро муҳофазаси институти ўқитувчиси

Газетхон танқид қилади

АЙТСАМ ТИЛИМ, АЙТМАСАМ,...

Мен қаламга олмоқчи бўлган бу ўй-фикр, муаммолар кундалик ҳаётимизда ўзимиз ҳар қадамда гувоҳи бўлиб турадиган ҳодиса, воқеалар хусусида. Ҳамма сат шундаки, биз бу нохуш кўринишларга беписандлик билан лоқайд қараймиз. «Касални ширсанг, иситмасы ошкор қилади» дейишганидек, бу зарарли одат-иллат илдизи янада чуқурлашганлиги ташвишлидир.

ётган жазавали, шовқин-суронли куй, қўшиқдан, қолаверса йўл бўйи икки ходимнинг бири олиб, бири қўйиб папирос чекиши, вагон ичи аччиқ ва қўланса тамаки тутунига тўлиб, катта-кичик йўловчиларнинг кўзларини ачитиб, нафас йўллариини бўға болашини сабаб бўлди. Уларга бу ҳақдаги танбеҳ ва эътирозлар мизг афсуски, фойда бермади, ўз билганларидан қолтирмади. Бунинг

Бизга жавоб берадилар

МУАММО ҲАЛ ЭТИЛДИ

«Тошкент оқшоми» газетасининг 20 январь куни чоп этилган «Хатлар — ҳаёт ойнаси» саҳифасида Раъно Раҳимбекованинг «Айни мудоао бўларди» мақоласи эълон қилинган эди. Унда Собир Раҳимов туманида жойлашган Беруний номи маҳаллада газета дўкони йўқлиги, шу боисдан маҳалла аҳли, хусусан меҳнат фахрлари кундалик матбуот нашрларини ўқийдиган маҳрум бўлаётгани танқид остига олинган эди. Ушбу танқидий рўҳдаги мақола юзасидан тахририятимизга Тошкент шаҳар «Матбуот тарқатиш уюшмаси» акциядорлик жамияти бош директори Рустам Қосимов имзоси билан қуйидагича жавоб хати келди. «Тошкент оқшоми» газетасида эълон қилинган «Айни мудоао бўларди» сарлавҳали мақола Тошкент шаҳар «Матбуот тарқатиш уюшмаси» акциядорлик жамияти ҳамда Собир Раҳимов туманидаги Беруний номи маҳалла фаоллари ҳамкор-

Энг асосийси жамият ҳаётининг қайси нуқтасига назар ташламанг, унда жонланаш сезилаяпти. Ҳақдорлар, ривожланишлар, дунёвий тамаддун сари босилаётган қутлуг қадамларни кузатар эканмиз, ҳаётимизнинг руҳий iklimига, мувозанатига ҳам бир кур эътибор қаратиш лозимлигини билиш қийин эмас. Аввало, жамиятнинг мувозанати дегадани тушуна миз? Одам мускуллари, пайлар воситасида тик қолатини тиклаб турганидек, жамиятнинг иқтисодий, маънавий-

манший, сиёсий мувозанатини кўллаб-қувватлаб турадиган устунари мавжуд.

Келинг, сўзимиз индаллосини маънавий мувозанат ҳақидаги фикрлардан бошласак. Бир танишимиз бор. Обрули идоранинг ходимларидан бири. Ҳақдорларнинг ақли қисланди ва алоқачиларга эга одам. Яқинда у менга бир гап айтиб қолди. — Хуллас, ука, бизнинг уйда «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи» кўрсатуви намойиш этилган кун — мотам.

— Бу нима деганингиз бўлди, ака? — қизиқсиниб сурайман ундан. — Бу деганим шуки, кенонийнинг йиғлайвериб, одамни сил қилиб юборадилар...

— Йиғласа йиғлабди-да, намойиш этилаётган ҳаёт ҳақиқати унинг қалбини, ҳиссиётларини, кечинмаларини ўртаб юборганлар...

— Веи қизиқ экансиз, ука, унинг ҳиссиётини, кўнглидаги ҳаётини пишириб ейманми мен, рўзгорнинг ишини билсин, бола-чақага қарасин...

Биз, «таниш»нинг иззатнафсини ўйлаб, унинг исмишарифини айтиб ўтиришни эп билмадик. Гап шундаки, жамият ҳаётида «ўлик

жонлар» қанчалик кўпайгани сайин, шунча кўп ҳайбаракаллачилик, бошбошдоқлик, «менга қара!» «сенга нима?» чилик авжига чиқаради. Биздан талаб қилинадиган нарса, уларни муаммо сифатида бартараф этишдан иборат. Маънавий мувозанатнинг муҳим жиҳатларидан бири — эътиқод. Биласизми, со-

ҳаётнинг саргардонликларидан тарихан узоқлашиб кетдик. Одамлар, дунёқарашилар — шунинг баробарида эътиқодлар ўзгариб кетди. Ҳатти аср бошларида гайритабиий туюлган воқеа-ҳодисалар, янгилар буғун биз учун фавқулодда ҳодиса эмас. Аммо...

Аммо, ҳамонки, эътиқод маънавий мувозанатнинг му-

стаҳкам устунаридан бири экан, унинг хайрли жиҳатларини юзага чиқариш фурсати етди.

Тақлид тарикасида шуни айтиш мумкинки, ёш авлод-

да ўтмиш боболаримиз — Абу Наср Фаробий, Ал-Фарғоний, Имом ат-Термизий, Беруний, ибн Сино, Улуғбек, Навоий сингари бузрук зотларнинг ҳаёти ҳақидаги эътиқодни, уларнинг том маънодаги буюк кишилар эканлиги борасидаги туйғуларни шакллантириш учун ҳам боғчаданки кенг тарбиявий йўллари, мактаб ёшидаёқ маърифий йўналишларни йўлга қўйиш зарур.

Айниқса, мактабларда «Амир Темур — миллат гурури», «Берунийнинг ақл машъали», «Алишер Навоий — буюк шоир ва мутафаккир», «Улуғбек юлдузлари» сингари маърифий-маънавий тадбирларни, кечаларни уюштириш ҳам ёшларда мустаҳкам эътиқод, руҳий маънавий мувозанатнинг шаклланишига тамал тош бўлиб хизмат қилади.

Умуман олганда, мувозанатнинг, аниқроғи маънавий мувозанатнинг жамият ҳаётида тутган ўрни, кадрқиммати ўзгача. Шу боисдан Меҳр ва мурувват йилида маънавий мувозанатни мустаҳкамлайдиган чора-тадбирларни тинимсиз амалга ошириб бориш керак, деб ўйлайман.

Энди биз «Тешиктош» ҳикояси қаламга олинган 20-

журналист

Ҳикоя назар ЭЪТИҚОД — МАЪНАВИЯТ УСТУНИ Ҳар гап «Оқшом»ни ажиб бир интиқлик, соғиниш билан кўлга оламан. Негаки, газета кундан-кунга халқ ҳаётининг кўзгусига айланиб бораёттир. Мақолалар, уларда кўтарилаётган чинакам долзарб масалалар, муаммолар ечимига доир таклифлар — сизу бизнинг дардимизни «қуйлайди». Муҳими, одамлар Истиклолимиз ва истикболимиз берган имконият таъсири ўлароқ, ҳақ сўзни айтишга рабат, ишонч сезишяпти. Бу — катта гап.

Шарқ дурдоналари

Оз-оз ўрганиб Домо бўлар...

● Инсон ўзини бошқалардан ортқ деб билмаслиги, ўзини ақлли, бошқаларни ақлсиз деб тасаввур қилмаслиги, ҳар қандай яхши ишни ўзига лойиқ ва ўзгаларга нолойиқ деб ҳисобламаслиги зарур. Эҳтиёт бўлишники булар худбинлик аломатларидир.

Хикмат: ҳар кимсага менсимаслик назари билан қарама. Эҳтимол уларнинг кўриниши аянчли бўлсада, вужуди одамийлик хислати билан лиммо-лимдир. Зеро улуглар «Ҳар кечани қадр бил, ҳар ким кўрсанг Ҳизр бил», деб бежиз айтмаганлар.

● Олимлардан Низомиддин ибн Хусайн айтади:

— Боболаримиз: «Сўзлаганинг кумуш бўлса, тек турганинг олтиндир», деганлар. Бунга қараганда ҳар ерда сўзламасдан жим ўтиришга тўғри келади. Лекин боболаримиз «ўринсиз, маъносиз сўзлаганиндан кўра, тек турганинг яхшироқ» демоқчидирлар.

Ҳар ишнинг ўзига хос одоби бўлгани каби сўзлашнинг ҳам ўлчови ва одоби бордир. Сўзга ёлғон қўиши, бировнинг иззат-нафсига тегадиган сўзларни сўзлаш ва шунга ўхшаш ярамас сўзлар зарар етказмасдан қолмайди. Шунинг учун доғимандлар «Кўп ўйла, оз сўзла, сўзинг яхши бўлса сўзла, бўлмаса тек тур, маъносиз олди-қочди сўзлар сўзлашдан тилингни тий», деганлар.

● Арасту Ҳаким айтади: — Маишатга етарли молу давлатга эга бўлган киши ундан ортиқчасини талаб қилмасин, чунки унинг поёни йўқдур. Ортиқча талаб қилган киши жуда кўп фалокатларга дуч келади.

Алишер Навоий айтади: **Неча ким тўнининг риюят бирла кийсанг, эскирур,**

Чунки кийдирдинг бировга, эскимас тўн ул эрур.

● Мавлоно Жалолiddин Румий айтади:

— Эй биродар, агар бахт-саодат истасанг, ғурур, манманликдан йироқ бўл, ҳикматли сўзларни сокинлик билан тингла, тақабурлик, адоват, гиначиликдан ҳазар қил. Қайғу-аламлар устинга ҳужум этсалар, бу ҳужумларга ўз адабсизлигининг сабабчидир. Тарбиясиз, адабсиз одам алам, ҳасрат дарёсида фарқ бўлади. Шунга кўра адаб нури билан ўзингни нурлант, қалбинг пок бўлсин.

● Букрот Ҳакимдан: — Ҳамма нарсадан кўра юқори ҳисобланган нарса нима? Қайси нарса ҳеч вақт вайрон бўлмайди? — деб сўрадилар. Букрот Ҳаким айтди:

— Ҳиммат ҳамма нарсадан юқори туради. Адл биноси ҳеч вақт вайрон бўлмайди.

Байт:
Ҳимматингни тут банд эл олдида,
Ҳимматинг-ла мартабанг бўлгай банд.

● Олим-фозиллардан Хўрабий айтади: Бир қария ҳар вақт ёшларга:

— Болаларим, ёшликни ганимат билинг, фақат ўйин, кулгу, қаифу сафо билан ёшлик даврингизни зое этманг, ўқинг, ўрганг, илмли, хунарли бўлинг, агар ёшлик даврингизда ўзингизни тутиб қолмасангиз, кейин қаттиқ пушаймон қиласиз, лекин фойда бермайди, — деб насиҳат қиларди. Шу ҳурматли чолнинг насиҳатларига амал қилган ёшлар бахтли-саодатли бўлдилар.

Амир Темур ҳукмронлиги даврида қадимий Самарқанд кифаси бутунлай ўзгариб, янги ҳаёт услудга қайта қурилди ва у янада гўзаллашди. Шаҳарда Кўксарой, Бибиҳоним масжиди ва Шохизинда мавзолейини қурди. Амир Темур Самарқандни жаҳоннинг йирик савдо ва хунармандчилик марказига айлантириш мақсадида бир қанча тадбирларни амалга оширди. У энг аввало бинокорлик, кулолчилик, темирчилик, заргарлик, тўқувчилик ва қоғоз ишлаб чиқариш соҳаларини ривожлантиришга катта эътибор берди. Шаҳар ичи ва атрофларидаги қосибларни ўз хунарларига қараб, алоҳида гузарларга жойлаштириб, булар учун янги бозор расталари, савдо дўконлари, барча нарсаларни тартиб билан сотиш учун шаҳар бўйлаб катта кўча чиқариш ва унинг икки томонида мол сотиш дўконлари қуришга фармойиш берди. Бу дўконлар Бибиҳоним масжидидан тортиб то Шердор мадрасасигача чўзилган бўлиб, йўлнинг икки томонини банд қилар эди. Амир Темур Шаҳрисабз ва пойтахт Самарқандни дунёнинг кўп жойларидан моҳир хунармандлар ва қўли гул усталарни олиб келиши натижа-сида йирик хунармандчилик ва савдо марказига айлантира борди.

Самарқанднинг бойлиги озиқ-овқатларнинг мўл ва арзонлигидангина эмас. Бу ерда тўқиладиган атлас, кимхоб, сендал ва терсапоя сингари шохи газламалар, мўйна ва шохидан тайёрланган астарликлар, ула-элик, зарҳал ва кўк ложувард бўёқлар ва бошқа нарсалар ҳам мўл-кўл эди.

Соҳибқирон шаҳарнинг шухратини ошириш борасида кўп саъй-ҳаракатлар қилди, ҳар хил истеъдодли хунармандларни йиғишга, айниқса, катта эътибор берди. «Дамашқдан фазл хунар эгаларини — турли-туман санъат ахллари, тўқувчилар, тикувчилар, сангтарошлар, дурадгорлар, чодир тикувчилар, наққошлар, ёй ясовчилар, камон ва бошқа қурол-яроғлар ясайдиган, шиша ва сопол идишлар ишлаб чиқарадиган хунармандларни Самарқандга олиб келади. Булардан ташқари муҳандислар, тўпчилар, арғамчи тўқувчилар ва бошқаларни олиб келган», деб ёзади Темурнинг саройида бўлган Испания элчиси Руи Гонзалес де Клавихо.

Темур ҳар қандай хунар ва касб бўлмасин, агар унда бирон фазилат ва шарофат бўлса, шу касбни эгаллашга гоётада меҳр қўйган эди. Амир Темурнинг бевосита раҳбарлигида сопол идишлар — гулдон, пие-ла, коса, кўза, хум ва бошқа сержило буюмлар, ўймакор нақшлар — эшиклар, устунлар, панжаралар, металлга ишлов бериш — чойнак, чойкўш, офтоба, жом, баркаш, дастгўй, хунармандчиликнинг заргарлик, мисгарлик, тоштарошлик, шишасозлик, пичоқсозлик, эгарчилик, арабасозлик, чилангарлик, бинокорлик каби турлари етакчи ўрин эгаллади. Амир Темур ҳукмронлиги даврида хунармандчиликнинг нозик турларидан бири — заргарлик санъати ҳам юксак ривожланган эди. Заргарлик буюмларининг энг нозик хиллари олтин ва қумушдан тайёрланиб, унга феруза, лаъл, ёқут, марварид сингари асл тошлардан безак туши-

риб янада сайқал берилган. Бу даврда эркаклар учун камар ва узуклар, аёлларнинг бошига киядиган безаклар, тиллақош, болоабру, зирак, туморлар кўплаб тайёрланган. Самарқанднинг қўли гул заргарлари тайёрлаган бу зеб-зийнат буюмлари — тақинчоқлар, кўпчиликка маълум ва манзур бўлган. Уша давр Самарқанд кулоллари чин маъноси билан етук санъаткор усталар бўлиб, улар ясаган сопол идишлар ниҳоятда нозик ва энгиллиги, гулларининг чиройли қилиб ишланганлиги билан диққатга сазовордир. Идишлар турли-туман нақшли безаклар, барг ва новдочалар,

қисмлари ҳамда сағаналар учун қолама сифатида ишлатиш учун мрамар тахтачалар тайёрланганлар.

XIV аср охири XV асрда безакли бадий буюмлар хунармандчилиги юқори даражага етди, унинг ривожланиши, меъморчилик, рассомлик, наққошлик, маийш буюмлар ишлаб билан ўзаро боғланиш йўлидан борилди. Ҳар хил санъаткорларнинг бундай бир-бирига боғланиши ёғоч ва тошга ўйиб нақш солишда ҳам, гилам тўқишда ҳам, қўлёзма китобларни безашда ҳам, металл ва сопол идишларнинг энг яхши намуналарида ҳам яққол намоён бўлади.

Шундай қилиб, Амир Темур салтанатининг Бухоро, Самарқанд, Андижон, Қарши, Термиз, Тошкент, Шаҳрисабз каби шаҳарлари хунармандчилик ва савдо марказларига айланди. Шаҳарларда хунармандчилик маҳаллаларининг сони ортиб, касб-хунар билан боғлиқ бўлган янги гузарлар, бозор расталари, тимлар ва тоқлар вужудга келди. Шаҳрисабз, Самарқанд, Бухоро, Тошкент шаҳарларида заргарлик, мисгарлик, кулоллик, тоштарошлик, кўнчилик, маҳсидўзлик, тандирсозлик, эгарчилик, пичоқчилик, ўқчи каби хунармандчилик маҳаллалари вужудга келди.

Темур ўз ҳукмронлиги даврида Самарқандга улкан бинолар, боғ-роғлар барпо этиш, ариқ-каналлар қаздириш билан бирга шаҳар хунармандчилиги ишлаб чиқарган нафис буюмлардан ташкил топган маҳсулотлар кўргазмасини ҳам ташкил этади, бу тадбир хунармандчиликнинг шухратини янада кўтарди.

Бундай кўргазмалар кенг Кони-гил майдонида тантанали суратда очилар эди. Тарихий манбаларга кўра Амир Темур Кони-гилда 400 тагача савдо павильони қурдирган. Павильонлар моҳир хунармандлар, рассомлар томонидан юксак дид билан безатилар, тантанали сайил кунларида павильон атрофида кўплаб, айрим вақтларда 20 мингтача гўзал чодирлар қурилиб, шаҳардаги хунармандлар мана шу ерга келтирилиб жойлаштирилар эди. Шундай қилиб, Амир Темур ҳар йили Кони-гил майдонида хунармандлар тайёрлаган турли-туман, нафислиги ва шиклиги билан бири-бирдан ажралиб турадиган буюмлар, санъат асарлари кўргазмасини ташкил этиб, шу соҳани синчиқлаб ўрганар, ҳар йилнинг ўзига хос хунармандчилик буюмлари сифати ва сонига қараб, хунармандчилик соҳасининг қай даражада ривожланаётганини кўзатар ҳамда қайси соҳа оқсабтир, яъни сифати паст маҳсулот тайёрламоқда ва қайси соҳани ривожлантиришга эътибор берилишини режалаштирар эди.

Темур назарида бу кўргазмалар Самарқанд хунар аҳлининг ўша давр хунармандчилиги ва санъати эришган ютуқларининг ўзига хос бир кўриги бўлганлигини ҳам аналтар эди.

Хулоса қилиб айтганда Амир Темур ҳукмронлиги даврида Бухоро, Самарқанд, Андижон, Тошкент, Қарши шаҳарлари Мовароуннахрнинг йирик савдо ва хунармандчилик марказига айланиб, кун сайин ривожланиб борди. Бугунги кунда биз буюк соҳибқирон бобомиз Амир Темур яратган беназир бой меросни ўрганишимиз, ҳозирги билим, хунар масканларида бу касбларни ўзлаштириб олишимиз ва ривожлантиришимиз зарур.

Рашид БОЙТУЛЛАЕВ,
санъатшунос.

Амир Темур таваққулини

668 йиллиги олқидан

СОҲИБҚИРОН ДАВРИДА ҲУНАРМАНДЧИЛИК


Халқимиз амалий санъати қадимий тарихга эга. Табоболаримиз заргарлик, зардўзлик, наққошлик, ўймакорлик, гилам тўқиш ва тўқувчилик хунарларида катта маҳорат кўрсатганлар. Дарҳақиқат, Самарқанд заргарлари ва мисгарлари нафис буюмлар, шойи ва атласи, шунингдек сифатли қоғози билан ҳам Шарқдаги барча мамлакатларда машҳур бўлган.

баъзан эса хайвон, куш ва балиқ суратлари билан қопланган бўлиб, афсонавий бир шаклда эди. Самарқанд кулолларининг ясаган буюмлари ўзининг жимжимадорлиги, рангининг тозаллиги ва бўёқларининг тиниқлиги, шаклининг бежирим ва бишиқлиги билан бутун оламга маълум ва машҳур бўлган. Амир Темур даврида тўқилган сержило патли гиламлар, палослар ўзининг пишиқлиги, гулнақшларининг ранг-баранглиги, туси ва зийнати билан Эрон ва кичик Осиё гиламларидан анча устун турган ва атроф жойларга чиқарилиб сотилган. Темур давлатининг пойтахти Самарқанд Шарқда йирик қоғоз ишлаб чиқарувчи марказ эди.

Самарқанднинг гоёт юлқа, нафис ва силлиқлиги билан ажралиб турадиган олий нав қоғозларининг бозори чаккон эди. Мирзо Бобур Самарқанд қоғозига юқори баҳо бериб: «Оламда яхши қоғоз Самарқанднинг чикар, жувози қоғозлар суйи тамом Кони-гилдан келадур» деб ёзган эди.

Тоштарошлик ҳам Амир Темур замонасида жуда тараққий топган эди. Бу даврда Самарқанднинг ўзида 360 та тоштарошлик дўкони бўлиб, 1000 дан

ортқиқ Оташу хунар билан кун кечирган. Тоштарошлар мрамардан безакли товоқ, гулдон, лаган, коса, шамдон ва шу каби кўпгина уй-рўзгор идишларини ясаб, четига гир айлантириб форс тилида байтлар ва араб тилида дуоларни бўртма нақш усулида битишган. Мрамарга ўйиб гул солувчи маҳаллий усталар бу хил ёзувларни хусниҳатда жуда моҳирона битганлар. Усталар бино панеллари, эшик атрофлари ёки бинонинг бошқа



Хар соҳадан бир шикли

СОЧ ВА ФИКРЛАР

Сўнги йилларда кишининг ақлий қобилиятини аниқлаш учун турли тестлардан фойдаланиш расм бўлди. Лекин бир америкалик профессор, тестларсиз ҳам иш кўриши мумкин. Бунинг учун текшириладиган кишининг сочини таҳлил қилиш кифоя, деб ҳисоблайди. Олим турли рангдаги 800 дан ортқ зулфу колбилан соч толаларини текшириб кўриб, аниқ бир хулосага келди. Унинг фикрича, ақлий ривожланиш қобилияти билан сочининг кимёвий таркиби орасида ўзаро боғлиқ бор экан. Хусусан олимнинг таъкидлашича, кўп фикрловчи одамлар сочида рух ва мис микдори уларнинг ақлий жиҳатдан орқада қолган тенгдошлариникига нисбатан анча кўпдир.

ГАПДОН ТЎТИ

Ҳамма тан олган гапдон тўти — Жако. Унинг патлари оч кулранг, думи оч қизил. Дарров танийсиз. Чунки биронта тўти унга ўхшамайди. Жако юздан ортқ сўз ва иборани эслаб қола олади, кўп сўзларнинг маъносини тушуниб айтаётгандек кўринади. Масалан, «Хайрли тонг», «Кўришгунча», телефон жиринглаганда «Алло» дейди. Жако баъзи сўзларни ўн йиллаб, ҳатто бундан ҳам кўпроқ вақт унутмайди. У узок вақт сўзламасада, бир неча ўн йилдан сўнг бирданга эсига туширади. Бу ноёб қуш Африкада — унинг фарбидаги Гвинея ва Ангола шарқидаги Буюк кўлларгача бўлган ўрмонларда яшайди.

ЮРАК КЎЧИРИБ ЎТКАЗИЛГАНДА

Кристиан Бернондинг бажарган юрак аллотрансплантацияси тиббиёт оламида кўпдан-кўп шовшувларга сабабчи бўлди. Шундан кейин юрак операциyasi «эпидемияси» бошланиб кетди, десак хато бўлмаса керак. Америкалик жарроҳ Кули, Шамуэй, Лоуэрлар бу операцияни кенг қўллаб бошладилар ва 1968 йил 6 декабрга келиб уларнинг сони юздан ошиб кетди. Ана шу операциялардан сўнг бегона кишининг юраги билан икки киши олти ой, 24 киши 3 ойдан ортқроқ яшайди. Уларнинг «оқсоқоли» Блайберг ўша пайтда 11 ой яшаётган эди. Жарроҳларнинг фикрича, кўчириб ўтказилаётган юракнинг вази ва ҳажми беморникига тўғри келиши лозим. Чунки янги ўтказилган юрак организмнинг қонга бўлган эҳтиёжини қондира олиши зарур.

ЁТОҚХОНА ҚАЙТА ТАЪМИРЛАНДИ

Тошкент Давлат юридик институтида замон талабларига мос, барча қулайликларга эга бўлган талабалар уйи фойдаланишга топширилди.

Талабалик олтин даврини мазмунли ва мароқли ўтказиш, имкониятлардан унумли фойдаланиш кўп жиҳатдан ёшларнинг ўзига боғлиқ. Аксарият собиқ талабалар таҳсил олиш жараёнини эслашганда асосан кўз олдиларида ётоқхонадаги кечган қизиқарли давлари гавдаланади. Зеро, ётоқхона талабанинг иккинчи уйи ҳисобланади.

Талабалар уйини қайта таъмирлашга 60 миллион сўм, жиҳозлаш ишлари учун эса 40 миллион сўм маблағ сарфланди. Ётоқхонада талабаларнинг кўнгилли хордиқ чиқаришлари ва яшашлари учун барча шароитлар яратилди.

Компьютер хонаси, кутубхона ҳамда кинозалнинг ишга туширилганлиги ётоқхонада яшовчи йигит-қизлар учун айти мудоао бўлди. Спорт ишқибозларига ўзлари севган машғулот билан шуғулланишлари учун шаҳардаги бошқа клубларга бориб ўтиришларига ҳожат қолмади. Кураш, бокс ва стол тенниси залларидаги шарт-шароитлар пойтахтнинг бошқа спорт залларидан сира қолишмайди. Шунингдек, ётоқда биринчи тиббий ёрдам кўрсатувчи бўлим ҳам очилди. Талабалар ошхонаси, гигиена хоналари ҳам зарурий асбоб-ускуналар билан таъминланди.

Кўклам кунлари эди. Сафардан қайтсам, ҳовлимиз одамга тўлиб кетибди.

— Ха, нима гап? — деб сўрадим эшик олдида дуч келиб қолган Убай акадан.

— Йе! Хали хабаринг йўқми, тўйингни бошлаб юбордик-ку.

— Йўғ-ей!

— Ишонмасанг амакиндан сўра, — деди у ёнимда пайдо бўлган амакимини кўрсатиб.

— Амаки, ростданми?

— Ростдан, Илҳом ростдан, — деди амаки мени бағрига босиб.

— Худога шукр, сенинг бир бошинг икки бўлганини кўрадиган кун бор экан. Сени Эрмат аканинг синглиси Рисолатга унаштириб қўйдик.

— Амаки, Рисолат опа мендан...

— Биламан, биламан, — деди амаким гапимни бўлиб. — Рисолат сендан тўрт-беш қўйлаки ортқроқ йиртган. Шундук демокчисан-да! Бунда ҳикмат кўп. Кейин хурсанд бўласан.

— Йўқ, амаки, агар шу қизни зўрлаб олиб берсангиз, мени қаттиқ хафа қилган бўласиз...

— Менга қара, сени мўмин-қобил бола десам, ўзингга етгунча ўжар экансанку-а. Мен Эрматовнинг олдида шарманда бўлмай... Хўп де...

— Амаки, хўп демайман...

— Кимни олмақчисан, омондаги ойиними?

— Ўзим хоҳлаган ойимни оламан...

— Дон олишиб юрганим бор дегин. Нима, Рисолат карми, кўрми? Ойдек қиз. Тагин кимнинг синглиси дегин-а? Эрматовдай мартабаси улуг одамни! Бошингга бахт қуши кўниб турбидию, сен уни калтак олиб қувламоқчисан-а, нодон. Эрматов бугун-эрта бундан ҳам юқорирок лавозимга кўтарилди. Сени ўз ўрнига қўйиб кетмоқчи... Амакинг бўламан, мениям қантининг тағига оларсан...

— Амаки, мен печакгул эмасман, бировларга чирмашиб ўсадиган. Амаким хо-ҳолаб қулди.

— Бунақа гапларни қўй. Хали ёшсан. Ҳаёт сен ўйлагандек силлик, равон йўл эмас... Шу кизга уйлансанг кам бўлмайсан. Хўп де Илҳом, жон Илҳом.

— Амаки, мен бошқа қизни яхши кўраман...

— Э, ишқ-муҳаббатни қўй. Аввал хотинлик бўл, яхши бир лавозимга кўтарилди ол, машинани гижинглаб хайда. Ишқ-муҳаббат бўлса, кейинчалик бир гап бўлар. Яхши-лаб ўйлаб кўр, ҳам мартабали, ҳам машинали, ҳам хотинлик бўласан. Сенга тагин нима керак?

— Менга Дилоромим керак, — деб юборганимни ўзим ҳам билмай қолдим.

— Дилоромим ким эди, болам, — деди гапимга ҳайрон бўлиб қолган онам.

— Э, ким бўларди, бир саёқ қизидир-де. Яхши бўлса кўчада топишармиди, — деди амаким.

— Оғзингизга қараб гапиринг, амаки. Амаким менга ёмон қараб қўйди. Кейин онамга «гапиринг», дегандай имо қилди.

— Хўп деяқол, жон болам, — деди онам кўзларига ёш олиб.

Бу гапни эшитиб амакимга яна жон кирди.

— Майли, мени хурмат қилмай қўяқол, —

деди ҳазин оҳангда, — отангнинг руҳини шод қил. Мана бу бечора, муштилар онангга раҳминг келсин. Турмушга чиқмай сени деб гудлай умрини хазон қилди-я...

Тўлиб турган онам йўғлаб юборди. Юрак-бағрим эзилиб кетди. Онамининг кўнглига қарасам рози бўлсам, Дилоромдан айрилиб қоламан. Икки ўт орасида қолдим. Нима қилсам экан? Кўчага чиқиб Дилоромга кўнгирик қилдим. Мустанқлик майдонидан учрашадиган бўлдим.

...Мана Дилором келди. Номозомгул атлас қўйлаб унга бирам ярашибдики, аввалгидан ҳам очилиб кетибди. Орқага ташлаб қўйган узун, қоп-қора зулфи баҳор шабадасида ажиб тўлғонди. Сутга чайилгандек қулча юзлари, ҳумор кўзлари қувонч билан ёниб турарди. Мен ақинча гапгин, хо-муш эдим.

— Илҳом ака, сизга нима бўлди? Хафа кўринасиз, тинчликми?

— Тинчлик...

— Тинчликка ўхшамайди...

Дилором жиёнон сўлим манзарасига тикилиб қолди. Майдоннинг икки чеккасидаги маҳобатли фавворалар шовуллаб, тева-рак-атрофга зарра-зарра зар сочиб турарди.

ДИЛОРОМИМ КЕРАК

Ҳикоя

Бир кумуш ишқомни, иккинчиси муз чўқилар силсиласини эслатарди. Баҳор шабадаси фаввораларнинг кумуш зарраларини юз-кўзларимизга сочар, ниҳоллар салом берган каби биз томонга эғлиб-бўкилиб турарди. Дилором ич-ичидан қувонди, завқи-шавқи шу фавворалар сингари жўш уриб кетди.

Бўлган гапни Дилоромга айтмоқчи бўлдим-у уни шу қувончларидан, шу завқ-шавқларидан маҳрум қилиб қўйишдан қўрқдим. Дилором барибир бир гапни яшириб турганимни пайкаганди.

— Хали мендан бериктадиган сирингиз ҳам борми? — деди Дилором, ўпқаланган оҳангда.

У ичимдаги гапни тезроқ топиб олиш пайида эди. Мен гапни бошқа томонга бурдидим.

— Алишер Навоий кинотеатрида яхши фильм қўйилляпти, тушмаймизми?

— Тавба, — деди Дилором лабларининг учиди қулиб. — Бугун сизга бир гап бўлганми? Мен тоғдан келсам, сиз боғдан келсангиз-а! Нега хафасиз? Нега парижонхотирсиз? Гапиринг, ичимдагини топ деб ўтирманг.

Ух тортиб юборганимни ўзим ҳам билмай қолдим.

— Ана айтдим-ку бир гап бор деб. «Ух» бекорга чиқмайди.

Шунда ҳам айтгим келмади. Мендан гап ололмаган Дилором эшилиб кетган соч учларини ўриб, кўксига ташлади. Шу уфур сумбуларини тўйиб-тўйиб силлагим келди. Лекин Дилором бунга йўл қўярмиди?

Билмадим, орадан қанча вақт ўтганди. Ердан чиқими, қўқдан тушдими қаршимизда Рисолат бизга еб қўйгудек қараб турарди. Қаранг, Рисолатнинг шу орадаги идоралардан бирида ишлашини ҳеч хаёлимга келтирмаган эканман...

Республика Миллий матбуот марказида газета безаш санъатига бағишланган тадбир ўтказилди. Унда юртимизда чоп этилаётган газета ва журналларнинг сифатини яхшилаш, шу орқали даврий нашрларга муштарийлар қизиқишини янада ошириш масалалари муҳокама қилинди.

ГАЗЕТАЛАР КЎРКАМЛИГИ

Она-Ватанимиз ва дунёда кечаётган жараёнлар ҳақидаги турфа қарашлар, кўҳна олам ажойиботлари кўнчилиқни қизиқтиради. Бугунги кунда ҳар бир киши матбуот нашрларидан қўллаб саволларга жавоб олишни истади. Газетани харид қилаётганда мухлис энг аввало унинг безаштилишига эътибор қаратади. Ҳозирги кунда матбуотчилар олдида турган долзарб муаммолардан бири газетани безаш ҳисобланади. Безаш ишларининг рисоладагидек чиқиши, нашрнинг жаҳон матбуотининг барча талабларига жавоб берадиган мукамал ҳолатга келиши учун эса хали анча меҳнат қилишимиз зарур.

Анжуманда иштирок этган Франциянинг мамлакатимиздаги Фавкуллода ва мухтор элчиси Жак Андре Костий оммавий ахборот воситалари тизимидаги ҳамкорликни янада кучайтириш мақсадида эканлигини айтди. Журналист кадрлар тайёрлайдиган Франциянинг нуфузли ўқув юрлари ўзбек журналистлари билан дўстлик ришталарини ўрнатилганга тайёр. Бу борада илк қадамлар қўйилди ҳам. Бир гуруҳ ҳамкасбларимиз Францияда маляка ошириб қайтишди. Мазкур анжуман шу каби дўстона муносабатларнинг мантқиқий давоми бўлди.

Алоуддин ҒАФФОРОВ,
«Туркистон-пресс»

— Янги хотинча муборак, қувё тура, — деди у киноя билан гап бошлаб. — Нега қақкуга ўхшаб, бошқаларнинг инига тухум қўйиб юрибсан?

Томоғимга ёнғоқдек аччиқ бир нарса тикилиб, тилимга сўз келмай қолди. Қани энди ер ёрилса-ю кириб кетсам дердим ичимда. Дилоромнинг олдида нима деган одам бўлдим. Шу галамиснинг гапларига балки ишонар. Нега боьдан бери айтмадим-а? Энди Дилоромнинг олдида ўзимни оқлаб олишим керак.

— Сизни ёмон кўраман, — дедим афтига тиб боқиб, — Йўқлигимдан фойдаланиб унаштириб қўйишибди.

— Вой савил, қал теғди, кўр ноз қилди. Менга осянганлар сочининг толасидан ҳам кўп. Сенга тегаман деб, ўлиб турганим йўқ эди. Амакинг чикавериб, эшигимизнинг турмини бузиб юбордик...

Рисолатнинг гаплари Дилоромнинг суяк-суягидан ўтиб кетди. Уридан ирғиб туриб, мажнунто тағига югуриб кетди. Дилоромга етиб олдим.

— Дилором, ҳалиги бекитган гапим...

Дилором мажнунтонинг қокилларидан бирини ушлаганга маънос боқиб турарди. Қулча юзларида ёш қотиб қолган эди. Дилором «Гапиринг» дегандак менга қараб қўйди.

— Айтолмаган гапим шу эди... — Кейин бўлиб ўтган воқеани бир бошдан айтиб бердим. Дилором гапларимни сочларини бармоқларига гоҳ ўраб, гоҳ ечиб туриб тинглади. Айтганларимдан умуман таскин тоғди-ю, барибир кўнглининг бир чеккаси хира бўлиб қолди.

— Яхши иш бўлмаяпти, — деди Дилором хўрсиниб. — Нима учун илгарироқ онангизга айтмаган эдингиз?

— Нимани?

— Нимани бўларди? Ҳалиги... орамиздаги муҳаббатни...

Дилором ўз гапидан ўзи хижолат тортиди. Мен эсам нима дейишимни билмай қолдим. Чўқурроқ ўйлаб кўрсам, бу кўнглисиз воқеаларнинг рўй беришида ўзим ҳам айбдор эканман. Тўғри-да, Нега Дилоромни севлишимни онамга илгарироқ айтмадим. Муҳаббатимни ҳаммадан, ҳатто онамдан ҳам пинҳон тутдим. Негаки, мен муҳаббат буюм эмас, уни кўз-кўз қилиб бўлмайди деб ўйлардим. Шунинг учун уни бозорга соймай дунёдаги энг ноёб нарсалардан юрагимнинг тубида сақлардим. Ҳозир шуни Дилоромга қандай тушутирсам экан? Буни балки шунчаки бир бахона, деб ўйлар.

— Гапиринг, ҳалиги савол жавобсиз қолди, — деди Дилором орага тушган сукунатни бузиб.

— Дилором, муҳаббатимни юрагимда сақламоқчи эдим, — дедим ниҳоят тилга кириб. Соддалигимдан бўлса керак, Дилором хандон уриб қулиб юборди.

— Муҳаббатни ҳамма ҳам юрағида асрайди. Ҳеч ким олтин сандиққа солиб, қулфлаб қўймайди, — деди у ўзини ҳамон қулгидан тўхтаста олмай.

— Йўқ, Дилором, баъзилар муҳаббатни кўз-кўз қилдилар, бозорга соладилар. Тилда ўлдим-қўйдим дейдилару, юраклари бум-бўш бўлади. Саёз дарё шовуллаб, чўқур дарё тинч оқади.

Дилоромнинг юзлари ёришиб кетди. Орадан дилсўхлик кўтарилди. Унинг хаёлига кўзларига бодим. Ҳаё тўла кўзларидан ишонинг сўнмас оловлари порлаб турарди.

Туроб АКБАРҲУЖАЕВ

Спорт

ЁШ БАСКЕТБОЛЧИЛАР БЕЛЛАШДИ

Тошкент шаҳар жисмоний тарбия ва спорт кўмитаси мутасадди ташкилотлар билан биргаликда «Универсиада — 2004» дастурига кирган спорт турлари бўйича шахримиздаги олий ўқув юртлари жамоалари ўртасида иккинчи босқич мусобақаларини ташкил этди.

Жумладан, бир ҳафта давомида Тошкент Давлат техника университети, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ҳамда 1-Тошкент Давлат тиббиёт институти спорт залларида баскетбол бўйича ўсмирлар ўртасида шаҳар босқичи бахслари бўлиб ўтди.

Шуни таъкидлаш керакки, гарчи кизгин беллашуларда 21 та олий ўқув юртлари жамоалари галаба учун кураш олиб борган бўлса-да, асосий бахс учта жамоа — Тошкент Давлат техника университети, Ўзбекистон Миллий университети ва Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети баскетболчилари ўртасида кечди.

Ниҳоят галвир сувдан кўтарилиб, очколар жамланганида Тошкент Давлат техника университети спортчи-талабаларига тенг келадиганлар топилмаганиги маълум бўлди. Кейинги совринли ўринларни Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия ҳамда Ўзбекистон Миллий университетлари жамоалари эгаллашди.

Ҳалилар Тошкент шаҳар жисмоний тарбия ва спорт кўмитаси ҳамда бошқа ҳомий ташкилотлар томонидан ажратилган қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Турнир голиби «Универсиада — 2004» мусобақасининг республика босқичида қатнашиш ҳуқуқини кўлга киритди.

(Ўз мухбиримиз)

Тошкент вилояти Куйичирчиқ тумани ҳокимлиги ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси томонидан хусусий тадбиркор Аскархўжаев Саидмуҳаммад Зокир ўғлига 2003 йил 12 апрелда берилган 487 сон тартиб рақами рўйхатдан ўтган №165 рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент Давлат миллий рақс ва хореография Олий мактаби жамоаси Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги, профессор Баҳром Тўхтаевич Қурбоновга волидаи муҳтарамаси **ГУЛЧЕХРА** аянинг вафоти муносабати билан чўқур таъзия изхор этади.

Кўргазмалар

«ЎЗИМГА ЙЎЛ»

Тошкентдаги Замонавий санъат марказида мусаввир Акмал Нурнинг «Ўзимга йўл» деб номланган кўргазмаси намоиш этилмоқда.

Акмал Нур йигирма йиллик ижоди давомида қалб ҳарорати ила йўғрилган кўпгина гўзал, лирик картиналар яратди. У яратган асарлардаги жўшқин ранглар ва нафис чизиқлар оҳанги расом маҳоратининг ўзига хослигини кўрсатиб туради. Мусаввир ижодининг асосий моҳияти бевосита инсоният ҳаётининг мазмунини акс эттирувчи икки қарама-қаршилик, яъни сўғулик ва зулмат, яхшилик ва ёмонликдан иборат.

— Акмал Нур қайси жанрда ижод қилишидан қатъи назар асарларида ҳиссиётлар теранлиги, юксак маҳорат ҳамда миллий маданиятимиз ва анъаналар давомийлиги ҳукмрондир, — деди санъатшунос Севара Йўлдошева «Туркистон-пресс» мухбирига. — У яратган асарларни томоша қилар экансиз, шарқ мумтоз санъати билан уйғунлашган чўқур маънавийликни ҳис этиш мумкин. Бу ифодавийлик нафақат ўзига хос кўриниш, бал-

ки расомнинг қай ҳолатда борлиқни ҳис этиши ва акс эттира олиши орқали ҳам ўз бадиий ифодасини топади. Расом асарлари — поэтик гўзаллик ва қиёсий рамзийлик, шарқона ҳаёт ҳамда охиригача очилмаган маъсумлик, истиора, шунингдек, мажозийлик билан ҳамоҳангдир. «Ўзимга йўл» кўргазмаси эса бевосита расом волидаси ҳамда оналар мавзусига бағишланади. Расом асарларининг аксарияти аёлларни малҳ этади. Шунингдек, бу асарлар расомнинг маънавий изланишлари, ҳаёт мазмунини ва замонавий инсоннинг мураккаб ички дунёсини тушуниб етишига бўлган интилишини ҳам акс эттиради.

Инобат ЭГАМҚУЛОВА, «Туркистон-пресс»

Фасллар келинчаги баҳор ўзининг таровати билан дилларга илиқлик бахш этиши шубҳасиз. Чунки баҳорда табиат уйғонади, олам яшаради. Энг қувонарлиси, ҳар бир маҳаллада ободонлаштириш мақсадида ҳашарлар, турли хил тадбирлар уюштирилади. Кўчалар, хиёбонлар ораста ҳолга келтирилади, ариқлар чиқиндилардан тозаланади. Дарахтлар, гул кўчатлари экилиши эса ҳар бир маҳалла аҳлининг ўз юртини янада чиройли ва гўзал кўринишини истаганидандир.

Тадбирлар

ДИЛЛАРГА ИЛИҚЛИК БАХШ ЭТДИ

Бектемир туманидаги Олим Аширов номли маҳаллада Меҳр ва мурувват йили муносабати билан ҳашар уюштирилди. Маҳалла фуқаролар йиғини ҳамда туман болалар кутубхонаси ҳамкорликларида уюштирилган ушбу тадбир қатнашчилари томонидан маҳалладаги ҳовли-жойлар, кўп қаватли бинолар атрофи ораста ҳолга келтирилди, кўчатлар экилди, дарахтларга шакл берилиб, оқланди. Хуллас ушбу маҳалла ҳудуди янада файзли масканга айлантирилди.

Дарвоқе, Бектемир туман болалар кутубхонаси ташаббуси билан Олим Аширов маҳалласи фуқаролари иштирокида ташкил этилган яна бир тадбир Меҳр ва мурувват йилига бағишланди. Ушбу тадбирга ташриф буюрган меҳрга ташна инсонлар, кам таъминланган оилалар фарзандлари, кексаю ёшни баҳор нознёматлари — сумалак, кўк сомса, кўк чучвара, варақи ҳамда турли хил ширинликлар билан безатилган дастурхонга тақилф этар экан, Олим Аширов маҳалласи оқсоқоли Аваз Омонқулов, Наврўз шуқуҳи юртимизда ҳамон кезиб юрганлигини, савҳатпешалик халқимизга хос эзгу одатлардан бири эканлигини таъкидлаб ўтди. Шунингдек, туман марказлашган кутубхоналар тизими раҳбари М.Аширбековнинг Шарқнинг буюк алломалари Абу Райҳон Берунийнинг «Қадимдан қолган ёдгорликлар», Умар Хайёмнинг «Наврўзнама», Маҳмуд Қошғарийнинг «Девони луғатит турк» асарларида баён этилган Наврўз байрамнинг тарихи, уни ўтказиш қоидалари ҳақидаги суҳбати йиғилганларда илиқ таассурот қолдирди. Шу қуни кечга қадар ўзгача шуқуҳ билан давом этган ушбу тадбир барчаннинг кўнглини шод этди.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ



Волейбол

МАМЛАКАТ ЧЕМПИОНИ АНИҚЛАНДИ

Эраклар ўртасида волейбол бўйича ўтказилган Ўзбекистон чемпионатида барқарор ўйин кўрсатган «Олмалик конметаллургия комбинати» волейболчилари олтин медаль тақдирини ҳал қилган учрашувда асосий рақиблири - «УЗИ-Сам-Телеком» жамоасини 3:0 ҳисобида енгиб, мамлакат чемпиони деган шарафли номга сазовор бўлди.

Иккинчи ўрин «УЗИ-Сам-Телеком» йигитларига насиб қилди. Наманганнинг «Парвоз» жамоаси ўз фаолиятидаги биринчи бронза медалга эришди.

ЎЗА СУРАТДА: чемпионатнинг охириги тур учрашувидан лавҳа. Ҳақимжон Солихов олган сурат.

Мана ўлкамизга гоҳ илик, гоҳида ёгин-сочинли баҳор фасли ўз сепини ёйган. Одамлар эса ҳеч тиниб-тинчишмайди...

Сўнги нушаймон — ўзинга дўшман

ҚАДАМИНГНИ ЎЙЛАБ БОС

Баҳром бу йил институтнинг 2-босқичига ўтди, аммо нима учундир ҳеч ўқигиси йўқ. Бўлмаса дангаса болалардан эмас, яна ким билади дейсиз. Айни кунларда фанларнинг деярли ҳаммасидан қониқарсиз баҳоси ва гуруҳ журналида келмаганлигини тасдиқловчи белги бор. Баҳром худди ўзини қатта йигитлардек тутишга урина бошлади. Дарсга қирмасликни ёки уйга вазифаларни бажармасликни одат қилиб олди. Бундай номаъқул ҳаракатлари оқибатида бугун факультет декани томонидан Баҳромга ҳайфсан эълон қилинди. Бундан Баҳромнинг феъл-айниди. Домларга кирса ҳеч қайси си бу йигитга баҳо қўймайман деб айтди. Шунда Баҳром бошини қашлаб, йўлини топгандек, хурсанд бўлиб кетди. 3-босқичда таҳсил оладиган бир оғайниси орқали домларга озгина «қистириб» осонгина баҳо олиши мумкинлигини ўйлаб ўзининг ақлига қойил қолди. Шундан сўнг у 3-босқичда ўқийдиган Самат деган боланинг олдида борди. Самат ортиқча мулозаматсиз ишга кўчиб қўя қолди ва Баҳ-

ромдан 215.000 сўм пул сўради. Баҳром озгина кўпроқ эмасикан деб ўйлаб қолди. Самат эса ўзининг нархидан настга тушмади. Орадан бир неча кунлар ўтди, Баҳромнинг баҳоларида эса ҳеч қандай ўзгариш бўлмади. Бундан «бойвачча йигитча» хавотирга тушди ва Саматнинг олдида борди. Самат эса ҳеч қандай пул олмаганлигини айтиб, Баҳром билан жанжаллашиб кетди...

Чилонзор даҳаси, 5-мавзедаги уйлardan бирида яшовчи Д.Самат фарибгарлик йўли билан Б.Баҳромдан 215.000 сўм пулини олиб қайтариб бермаганлиги учун ҳибсга олинди. Қўриб турганингиздек, ушбу жиноятда Баҳромнинг ҳам айби кам эмас, чунки у ўз кучи билан баҳо олишга уринмай, олий ўқув юрти домларига пул тақлиф қилмоқчи бўлди. Бундай қилмишларнинг охири вай бўлишини эса Баҳром эндигина тушуниб өтди. Лекин жуда кеч...

Феруза УМРЗОКОВА, Тошкент шаҳар ИИББ Матбуот марказининг жамоатчи мухбири.



Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

ҳатлар — 133-29-70, факс — 133-28-95, 133-11-39, факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилган. 4409 нускада босилди. Қоғоз бичими А-3

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот босқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқиди. Напр кўрсаткичи — 563

Нашриг етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтати»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишнингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.